

Дубай марварид масжид билан меҳмонларни лол қолдирмоқчи





11:30 / 12.02.2019 2551

БААда ноёб кўринишдаги масжидларни қуриш ишлари давом этмоқда. Дубайда қурилаётган навбатдаги масжиднинг номи Марварид деб аталди. Масжид лойиҳаси Сан-Францисконинг AMLGM қурилиш студияси томонидан ишлаб чиқилган, деб хабар беради designboom.com.

Меъморлар БАА тарихидан ажойиб дизайн олишга эришдилар. Тарихдан маълумки БАА нефть қазиб олиш жараёнига ўтишдан олдин мамлакатнинг асосий бойлиги марварид қазиб олиш бўлган. Каттамайдоннинг тўртбурчак кесимига асосланган лойиҳа табиати бўйича юмалоқ тонозли шаклга эга бўлган марваридга ўхшаб кетади.

AMLGM қурилиш студияси дизайнни ишлашда анъанавий исломий элементларни ишлатишга ҳаракат қилган. Марварид масжиди бешта кичик шарсимон майдон билан ўраб олинган бўлиб, катта шарларни кесиб ўтади ва бу кенг бўшлиқларни пайдо қилади. Бу жойлардан масжидга ташқаридан ёруғликлар тушиб туради. Масжид Dubai Creek шаҳарчасига қурилади. Унинг умумий майдони 20 000 квадрат метрни ташкил этади.





Islom.uz портали таҳририяти